

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ



Мухтарам ватандошлар!
Сиз, азизларни, кўпмиллатли Ўзбекистон халқини янги – 2025 йил билан чин қалбимдан муборакбод этаман.
Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамасдан, ўтаётган йил мамлакатимиз учун қутли ва баракали бўлди. Бунинг учун ҳар қанча шукрона айтсак, арзийди.
Меҳнаткаш халқимизнинг фидокорона меҳнати, сиёсий-ижтимоий фаоллиги билан Янги Ўзбекистон гоёси реал воқеликка айланмоқда.
Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар демократик ислохотларнинг янги

даврига қадам қўйганимизни яна бир марта тасдиқлади.
Юртимизда юқори технологияли янги sanoat мажмуалари, инфратузилма ва логистика тармоқлари, автомобиль ва темир йўллар барпо этилди. Бизнес, IT ва туризм соҳалари изчил ривожланмоқда. Аҳоли даромадлари ва турмуш сифати ошмоқда.
Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, кластерларимиз ишчи-хизматчилари мардона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирдилар.
Янги уй-жойлар, боғча ва мактаблар, олийгоҳлар, маданият ва спорт масканлари қад кўтармоқда. Юрти-

миз тобора обод қиёфа касб этмоқда. Минглаб юртдошларимиз Янги йилни янги уйларида кутиб олмоқда.
Билимли ва шижоатли, навқирон ёшларимиз улкан ютуқларни қўлга киритмоқда. Айниса, Олимпия ва Паралимпия уйинларида эришилган рекорд натижалар миллий спортимиз тарихида янги саҳифа очди.
Фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, маҳалланинг роли ва таъсири кучаймоқда. Маънавий юксалиш жараёнлари ҳаётимизда янги куч, янги ҳаракатга айланмоқда.
Глобал аҳамиятга эга ташаббусларимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқ-

да. Халқаро майдонда Ўзбекистоннинг рақобатбардош мамлакат, ишончли ҳамкор сифатидаги обрў-эътибори юксалиб бормоқда.
Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси диёримиздаги барқарорлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик натижасидир.
Бугунги шукуҳли оқшомда сиз, азизларга, олижаноб ва бунёдкор халқимизга ҳалол меҳнатингиз, она юртва садоқатингиз учун самимий миннатдорчилик изҳор этаман.
Қадрли дўстлар!
Биз 2025 йилга мамлакатимизда Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодийёт йили деб ном бердик. Асосий мақсадимиз – ин-

сон ва табиат мувозанатига асосланган тизим яратишдир.
Янги йилда бизнес учун янада кенг имкониятлар яратилади. Хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, хорижий инвестицияларни фаол жалб этиш ишларини қатъий давом эттирамиз.
Ижтимоий соҳалар, иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар, нафақалар миқдорини ошириш эътиборимиз марказида бўлади.
Фарзандларимизнинг замонавий билим ва касб-хунар эгалари, баркамол бўлиб тарбия топишлари учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.
Илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт соҳаларига эътибор янада кучайтирилади.
Мухтарам фахрийларимиз, хотин-қизлар ва ёшларга ғамхўрлик қилиш, ижтимоий ҳимоя самарасини ошириш устувор вазифамиз бўлиб қолади.
Қуролли Кучларимиз салоҳиятини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш ишларини янги босқичга кўтарамиз.
Мухтасар айтганда, "Инсон қадри учун, инсон бахти учун!" деган олижаноб мақсадни барчамиз биргаликда амалга оширамиз.
Азиз ва мухтарам юртдошлар!
Барчангизни, чет эллардаги ватандошларимиз, хорижий ҳамкор ва дўстларимизни бугунги қутлуғ байрам билан яна бир бор чин дилдан табриқлайман.
Янги йил ҳар бир инсон, ҳар бир оилага, жонажон юртимизга катта-катта ютуқ ва омадлар олиб келсин!
Ҳамма эзгу ниятларимиз рўёбга чиқсин!
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

БУГУННИНГ ШЕЪРИ

УМР СОАТЛАРИ

"Чиқ-чиқ" дейди соат "11"га
имо қилиб мўйлови билан,
тўн бичади ҳар ким умрга
ўз қаричи – ўйлови билан.
Осмон эса юм-юмалоқ вақт,
ҳар соати унинг – бир мучал –
давра қуриб, йиллар бетоқат
аждар, асов от бўлиб учар.
Узун ташлаб қўяди бирдай
вақт арқонни. Кимга бахт кулар –
осмонлардан мулойим қордай
ёғади оқ-оппоқ орзулар;
кимга эса акси омаднинг,
тун қоп-қора томчи туйилар,
ҳар лаҳзаси гарчи ҳаётнинг
олтин ёмби бўлиб қуйилар.
Умр отлиғ бу калавани
чувалатиб, мен-ку қанд ейман,
кўксимдаги от аравани
қуруқ олиб қочмаса, дейман.
Кўз ёнади. Юрак қалқинган...
Майли, менинг юким бўлсин зил,
бахт келтирсин фақат халқимга
эшик қоқиб турган Янги йил.

Шухрат АЗИЗОВ



ЮРГАН – ДАРЁ

ЖОЗИБАДОР САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ

2024 йил давомида Ўзбекистонга жами 8,6 миллион нафар сайёҳ ташриф буюрди. Кўрсатилган туризм хизматлари экспорти 2,7 миллиард долларни ташкил этди. 2023 йилнинг шу даврига нисбатан ушбу кўрсаткич 1,5 баробарга ўсди. Сайёҳларнинг ўртача ҳаражатлари 2022 йилга нисбатан 1,5 баробарга ошди.

(Давоми 3-саҳифада)

ЙИЛБИТИК

ЖАДИДОНА СЎЗ ДОВРУҒИ

"Jadid" gazetasi bir yil davomida ўз қувчиларининг кўлиги ва қалбига етиб борди. Унинг саҳифаларида чоп этилган жуда кўплаб манбалар Ўзбекистоннинг яқин тарихидаги энг қизиқ, энг мураккаб ва шонли жадидлик ҳаракатининг мазмун-моҳиятини ўзида ифода этди. Тўғриси, жадидлик ҳаракати, хусусан, жадид адабиёти мутахассислар томонидан бир асрдан бери ўрганиб келинади. Собиқ тузум замонидаги тадқиқотларда улarga турлича ёндашувлар бўлди. Хукмрон давр мафкурасининг қорчалонлари жадидлик ҳаракатини ғайриилмий равишда баҳолади. Сунъий тарих ёзгувчилар халққа жадидларнинг ҳаққоний гоёларини, орзу-ниятларини асл ҳолида кўрсатмасликка уринди. Бир неча авлодга ўз боболари "душман" сифатида танитилди. Неча ўн йиллар ҳақиқат қўшининг юзини қора булут қоплаб турди. Уйлаб қаралса, жадидлик ҳаракатининг асос-негизиде миллат ва Ватан туйғуси, истиқлол ва истиқбол қайғуси мужассамдир. Шундай гоё ва фикри учун жадидлар қамалди, сургун этилди, қатағон қилинди. Газета ўз саҳифаларида айна тарихий ҳақиқат баёнини тақдим этди.

Газетада бугунги ижтимоий-сиёсий ҳаёт, маданий-маиший турмуш муаммолари билан уйғунлашган жадид алломаларининг фикрлари тақдим этиб борилди. Хусусан, "Юрт қайғуси", "Мутлола", "Ўзбек тилим – ўз тилим", "Бедорлик" каби қатор рукнларда берилган мақола-лар кўпчилигининг эътиборини тортди.

(Давоми 2-саҳифада)

ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ

ЯШИЛ БОҒЛАР – КЎНГИЛНИ ЧОҒЛАР

Инсон яшаши учун зарур бўлган неъматлардан бири – ҳаво. Одамзод кислородсиз атиги 2–5 дақиқа яшаши мумкин, холос. Шундай экан, дов-дарахтлар, ҳаётбахш гулзорлар, қисқа айтганда, мусаффо ҳаво – тирикчилигимиз манбаи. Юртимизда "Яшил макон" умум-миллий лойиҳасининг амалга оширилаётгани ортида инсон қадри масаласи турибди.

ҲАЁТИЙ ЭҲТИЁЖ

Бугунги глобаллашув, аҳоли, sanoat корхоналари кўпайган, табиий ресурсларга путур етказилаётган бир шароитда кўкаламлаштириш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Атроф-муҳитни кўз қорачиғида асраб, хонадонимиз, ҳовли-жойимиз, кўчамиз, қишлоғимиз, маҳалламиз, шаҳар-туманимизни кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, авлодларга табиат неъматларини борира етказиш – бурчимиз. Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бу – бир йиллик тадбир эмас.

Мазкур лойиҳа доирасида республикада қарийб 50 млн туپ ниҳол ўтқазилади. Бухорода эса 7 миллионга яқин дарахт ва бута кўчатлари ўтқазилди режалаштирилган. Айна пайтда жараён қизгин паллага кирган. Мутахассисларнинг фикрича, Бухоро иқлими жуда мураккаб.

(Давоми 2-саҳифада)



ЖАДИДОНА СЎЗ ДОВРУҒИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Дарҳақиқат, ўз замонида Туркистон мухториятини эълон қилган фидойи миллатпарварлар хурриятни, эркин орзу қилган эди. Уларнинг "Ҳақ олинур, берилмас!" деган шiori ҳар қандай замонда мазлум инсонлар кураши учун дастуриламал бўлади. Жадидлар ўз миллатининг довуғи, шон-шухрати дунё халқларининг онгу шуурига етиб боришини хоҳлашди. Шунинг учун улар тарихда ўтган буюқ алломаларни эсга олди. Шунинг учун улар мактабга, матбуотга, адабиёт ва санъат, хусусан, театрга диққат қаратди. "Кумак" жамғармаси воситасида Туркистон фарзандларини дунёнинг энг илғор олий ўқув юртига таълим учун юборишди. Юқорида тилга олинган масалалар "Jadid" саҳифаларида йил давомида муҳокама қилинди. Айни дамда газетда босилган замонамиз жадидларининг фаолияти ҳам ибратга муносибдир. Баъзи фидойи замондошларимиз кутубхоналар, мактаблар барпо этаётгани, хайриялар билан машғуллиги — буларнинг барчаси қалб кўзи очик давр зибилсининг ўтган жадид боболарига эргашаётганидан дарак беради.

Таъбир жоиз бўлса, ушбу навқирон нашр йил давомида янгиланган фикр учун, янгиланган дунёқараш учун, Янги Ўзбекистоннинг маънавий-маърифий муҳити учун ишлади. "Табдил" рункида жадид матбуотидан кўчириб босилган манбалар бугунги янги халқлар учун

асос бўлиши табиий. Газетанинг сўнги саҳифасида бериб борилган Овсар билан Мулла Хунобнинг калвакони рухдаги иншолари ҳам газетехонларга маъқул тушгани бор гап.

Менга газетда берилган айрим хорижлик жадидшуносларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам муҳим кўринди. Назаримда, шу йўсинда "Jadid"нинг довуғи дунёга таралиши табиийдир.

Айни масалада яқин кунларга тегишли икки маълумотни айтаман.

Биринчи гапим: декабрь ои бошларида Япония ва Туркияда жадидлик борасида тадқиқотлар олиб бораётган олимлар газета тахририятида меҳмон бўлишди. Улардан айримлари "Jadid" газетасида ўз мақола ва суҳбатлари билан қатнашган ҳам. Суҳбат жараёнида ўзаро ҳамкорлик таклиф этилди; газетанинг хорижда ҳам мухбирлари бўлиши лозимлиги ҳақида сўз борди. Назаримда, ўринли гап. Дарҳақиқат, жадидлик ҳодисаси, жумладан, адабиёти ва маданияти тарихига комплекс ёндашиш учун нафақат ўзбек олимлари, балки хориждаги жадидшуносларнинг ҳам тадқиқотлари, ёзган китоблари муҳим манба саналади. Уларни ўқиш, уқиш ҳамда ўзига хос қарашларидан воқиф бўлиш лозим, албатта.

Иккинчи гапим: декабрнинг ўрталарида Мактабга ва мактаб таълими ва зарлиги ташаббуси билан ташкил қилинган икки тоифадаги (1-ёш тоифаси — 6-, 7-, 8-синф ва 2-ёш тоифа — 9-10-синф) мактаб ўқувчилари орасида ўтказилган

"Жадидлар изидан" танловида ҳакамлар қаторида қатнашиб, ўқувчиларнинг билими, зеҳни, ўзини тутуши ва жадид алломалари қалбини англаганидан қувондим. Турли ҳудудлардан қолиб бўлиб келган икки ёш тоифасидаги йигирма саккиз иштирокчидан республика минбарига баҳсда саралангани — ҳар тоифадан 7 нафардан жами 14 нафар ўқувчи Германияга юборилдиган бўлди. Насиб этса, улар жадид боболари каби дунёга чиқди. Улар ўзларининг жадидлар изидан бораётганини чуқурроқ англайди. "Жадидлар изидан" — бу тушунчада ўзига хос шижоат, илм-маърифат, фидойилик рамзи бор. Ушбу муҳташам илмий-адабий танлов лойиҳаси келгусида ҳам, албатта, давом эттирилишини истардик. Ёшлар жадидларимиз довуғини шу зайдга дунёга олиб чиқадди.

Ургулаб такрор айтаман, "Jadid" бугун бир ёшга тўлди. Орадан йиллар, замонлар ўтади. Ҳеч шубҳасиз, бу нашр ўзбек матбуоти тарихи тадқиқида жуда ноёб бир манба бўлажак. Йиллик газетанинг барча сонларини такрор varaқладим. Газетада чиққан мақолалар агар жамланса, битта эмас, бир неча муҳташам китоб бўлиши мумкин, деган фикр хаёлимдан кетмади. Чунки унинг ҳар бир сони зиё аҳлининг жуда муҳим мавзуларга бағишланган мақолалари билан зийнатлангандир.

Жадидларга доир эзгу режалар, муҳокама учун мавзулар, тиниклашмоғи лозим бўлган "лойқалар" ҳали етарли.

"Jadid" gazetasi юзак ва чалкак талқинларга аниқлик киритиши, миллий жадид ҳаракати ҳақида хорижда ёзилган манбаларни ўзбек тилига таржима қилиб, тақдим этиши ҳам керак.

Демочиманки, мен ўтган йил давомида бу газета билан ҳамкор ва ҳамнафас бўлдим. Янги йилда ҳам газетга Исмомбек Фасраланинг "Туркистон уламиси" асари билан боғлиқ бир муаммо хусусида, шунингдек, хорижлик жадидшунос олимлардан айримлари ижодидан мақолалар тақдим этиш ниятим бор. Мен учун жадидларнинг дунёга чиқиши орузи, дунё фалсафаси ва адабиётидан таъсирлангани, жаҳон адабиётидан қилган таржималари, оламга таникли алломалар ҳақида ёзган мақолалари қизик.

Яқинда ўтган асрнинг 20-йилларида босилган бир манбада америкалик ёзувчи Эдгар Аллан По, бошқа бир мақола таркибиде эса рус мунаққиди Вассарион Белинский номларини учратдим. Жадид боболаримиз Л.Толстой, Р.Тагор, М.Ломоносов, Ж.Зайдон, М.Лотер ва бошқа қатор хорижлик таникли ёзувчи ҳамда файласуфлар ижоди билан қизиқишганидан хабарим бор. Келгусида шулар бора-сида севимли газетамиз учун мақолалар ёзишни кўнглимга тугиб қўйдим.

Янги йилда барча зиё аҳли ва тамаддун заҳматқашларига "Jadid" газетасини мунтазам ўқиб боришларини тилайман.

Баҳодир КАРИМОВ,
профессор

ФАОЛ МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

Ўтган 2024 йил давомида "Jadid" газетаси билан яқиндан ҳамкорлик қилган муаллифлар муштарийларнинг онлайн мевали орқали аниқланди. Улар қуйидагилар:

- Абдулла Аъзам;
- Оқил Салимов;
- Акmal Саидов;
- Рустамбек Шамсутдинов;
- Хуршид Дўстмухаммад;
- Аҳмаджон Мелибоев;
- Шарифа Салимова;
- Султонмурод Олим;
- Кутлибека Раҳимбоева;
- Олим Давлатов;
- Рўзимбой Ҳасан;
- Баҳодир Карим.

ФАОЛ ижодкорларимизни муштарий эътирофи билан қўтлаб, Янги йилда янги куч-ғайрат, илҳом ва тан-сиҳатлик тилаб қоламиз.

МУШТАРИЙЛАР ЭЪТИРОФИ



ТАҲЛИЛ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотида кўра, дунё аҳолисининг деярли қирқ фоизи тоза ичимлик суви етишмайдиган ҳудудларда яшайди. 2025 йилда сайёрамиз аҳолисининг ҳар ўртасидан олтитаси ёки 5 ярым миллиард аҳоли сув танқислигидан азият чекиши мумкин. Бугунги кунда кўпайиб бораётган юқумли касалликларнинг 80 фоизидан ортиги айнан ичимлик суви сифатининг пастлиги, санитария-гигиена ҳоидаларининг бузилиши билан боғлиқ, дейишмоқда мутахассислар.

Шубҳасиз, дунё аҳлини ташвишга солаётган бу глобал муаммо инсониятнинг осуда, тўқис ҳаёт кечиршига, келажак тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Ва, албатта, сув танқислиги, хусусан, ичимлик суви етишмаслиги юртимиз фуқароларини ҳам ташвишга солиши табиий. Кўнглимизни хотиржам қиладигани шуки, сув муаммосини ҳал этиш борасида Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолисининг тоза ичимлик суви таъминоти қамровини ошириш, чекка ҳудудларда жойлашган аҳоли яшаш пунктларида ичимлик суви ваги эҳтиёжни қондириш бугун давлатимиз иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Зотан, Ўзбекистонни замонавий, инсоннинг яшashi учун қулай мамлакат сифатида ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳам аҳолининг ҳаётий эҳтиёжи бўлган тоза ичимлик суви билан таъминлашдир.

2023 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармони асосида "Ўзбекистон — 2030" стратегияси тасдиқлангани ва унда белгиланган 5 та устувор йўналишдан учинчиси айнан сув ресурсларини тежаш ва атраф-муҳитни му-

ҳофаза қилишга бағишлангани фикримизнинг далилидир. Аслида ичимлик суви масаласида кейинги йилларда қатор амалий ишлар қилинди. Бу йўлда изланишлар давом этмоқда. Яъни, бунда сув ресурсларини самарали бошқариш, улардан оқилона фойдаланиш, гидротехник иншоотларни таъмирлаш,

яшовчи минглаб аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга муваффақ бўлинди. Айни пайтда, республикамиз бўйича кўплаб ичимлик ва оқова сув тармоқлари яратилди, иншоотлар қурилди ва қайта таъмирланди. 2024 йилнинг ўзида юртимизда 827,6 километр сув ҳамда 133,1 километр оқова сув тармоқлари

маштириш борасида ҳам муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Режа асосида Тошкент вилоятининг Зангиота, Тошкент, Наманган вилоятининг Янгиқўрғон, Уйчи, Наманган туманларида сув иншоотларини қуриш ва қайта таъмирлаш ишлари якунланиб, тегишли объектлар фойдаланишга топширилади. Агар 2017

мақсад соҳадаги муаммо ва муносабатларни тартибга солишдан иборат. Бу борада "Ўзсувтаъминот" АЖ томонидан қиймати 2,9 млрд долларга тенг олти истиболли лойиҳа бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, "Тошкент шахрининг оқова сув тизимини яхшилаш" лойиҳаси (1,0 млрд доллар; SWS Holding компанияси — БАА) асосида Тошкент вилояти, Қўйичиқ тумани, Сурум МФИда қуввати бир миллион метр куб оқова сув тозалаш иншооти ҳамда 43 км.га яқин оқова сув коллекторлари қурилади. Шундай лойиҳалар бўйича Самарқанд вилояти Ширин шаҳарчасида ("Almar Water" компанияси — Испания), Самарқанд шаҳри туманлари марказларида ("Hassam Allam компанияси — Миср), Фаргона ва Жиззах вилоятларида хусусий шериклик асосида (9 та лойиҳа, "Midhona компанияси — Саудия Арабистони Подшоҳлиги), Навоий вилоятида ("Alkhorayef Water & Power Technologies") кўплаб ичимлик ва оқова сув тизимларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларини бажариш кўзда тутилган.

Ҳозирда "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти томонидан ичимлик ва оқова сув тизимларини яратиш, бу борадаги ишларни такомиллаштириш юзасидан муҳим изланишлар олиб боришмоқда.

Юқорида кўрсатиб ўтилган далиллар ва маълумотлардан кўринадики, аҳолининг кундалик эҳтиёжларини қондириш, жумладан тоза ичимлик суви билан таъминлаш каби масалалар давлатимиз раҳбари эътиборидаги асосий масалалар қаторида туради. Бу борада кўзланган лойиҳалар муваффақиятли амалга ошириляётир. Шунингдек, лойиҳаолди изланишлар ҳам жадал давом этмоқда.



СУВ — ТИРИК

ЖОН ОЗИҒИ

тиклаш, қайта сошлаш, суғориладиган ерларнинг сув таъминоти янада яхшилаш, соҳага рақамли технологияларни жорий қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиляётир. Жумладан, "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти маълумотида кўра, ўтган ети йил ичида аҳолини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш учун 20 триллион сўмга яқин маблағ ажратилган. Ушбу маблағ ҳисобдан кўплаб сув иншоотлари ва ичимлик суви тармоқлари ишга туширилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида саккиз миллиондан ортиқ аҳоли илк бор марказлашган тизимдаги ичимлик суви билан таъминланди, ун тўрт ярим миллион аҳолининг таъминоти яхшиланди. Жумладан, Сурхондарё вилоятининг Денов, Шўрчи, Сарийосиё, Қумқўрғон, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Пахтакор, Мирзачўл туманлари ва Жиззах шаҳрида

САРҲИСОБ: 2024 ЙИЛДА ИРРИГАЦИЯ

"2024 йил — сув йўқотишларини камайтириш бўйича зарбдор йил" деб эълон қилиниб, бу йўналишда муҳим чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Хусусан, ирригация тизимларини ривожлантириш, суғориш тармоқларида сув ресурсларининг исрофини камайтириш ҳамда уни бошқаришни яхшилаш борасида сезиларли натижаларга эришилди.

тортилди ва тўртта сув тақсимлаш иншооти қурилди. Мазкур иншоотлардаги насосларни энергияни тежамкорлик асосида ишлатадиган насосларга ал-

йилда аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш кўрсаткичи 63 фоизни ташкил этган бўлса, бугунга келиб мазкур кўрсаткич 80 фоизга етди. Ўтган давр мобайнида 8,7 миллион юрдошимиз илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, 14,5 миллион аҳолининг таъминоти яхшиланди.

Тоза ичимлик суви билан таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларни тизимли давом эттириш баробарида, сўнги йилларда сув танқислиги кесимида оқова сувлар ва уларни қайта тозалаш бугуннинг долзарб масалаларидан бирига айланаётганини инобатга олмасликнинг иложи йўқ. Маълумки, мазкур муаммони бартараф этиш мақсадида 2022 йили Ўзбекистон Республикасининг "Ичимлик суви таъминоти ва оқова сувларни чиқариб юбориш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганди. Ушбу Қонунни қабул қилишдан

Гулчехра УМАРОВА

САРҲИСОБ: 2024 ЙИЛДА ЭКОЛОГИЯ

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилда жами 224 млн туп кўчат экилди. Баҳорги кўчат экиш мавсумида республика бўйича 138 млн туп (прогноза нисбатан — 110,5 фоиз), кузги мавсумда 86 млн туп кўчатлар экилди (прогноза нисбатан — 107 фоиз).

Дарахтларни суғориш мақсадида 253 та сув чиқариш қудуқлари қазилди ва 2 906 км узунликда суғориш тизимлари ташкил этилди.

ЯШИЛ БОҒЛАР — КўНГИЛИНИ ЧОҒЛАР

Жазирама ёзда ҳарорат тандир тафтидан-да баланд. Қиши куруқ совуқ, изгири. Бундай шароитда мевали ва манзарали ниҳол турини танлаб олиш биринчи масалага айланади.

Бухоро вилоятининг иқлим шароитига мослашган чидамли, унувчан, нисбатан кўп кислород чиқарувчи, чангни сақловчи, шамолни тўсувчи ва соя берувчи манзарали дарахтлар ҳар томонлама фойдалидир. Масалан, садақайрағоч шарсимон-овал, зич шох-шаббаси туфайли энг манзарали дарахт турларидан бири ҳисобланади. Узоқ ўтмишда бу дарахт ниҳоллари кўкаламзорлаштириш мақсадида шаҳар ва қишлоқларга кўп ўтқазилган.

БўЛАР ЭЛНИНГ БОЛАЛАРИ...

Ҳамжихатликда ҳикмат кўп. Жондор туманида ҳам узоқ вақтдан буён фойдаланилмаётган бўз ерларни обод манзилларга айлантириш ишлари жиддий киришилган. Мазкур ҳудудда сувсизликка чидамли 614 минг туп мевали ва манзарали дов-дарахт кўчатларини ўтқазиш кўзланган. Ҳозирда 400 мингдан ортиқ ниҳол парвариши бошлаб юборилди.

Манқуфи қишлоғида жойлашган давлат ўрмон хўжалиғига тегишли майдонда "Жондор боғи" ташкил этилмоқда. Ҳозиргача 3,5 гектарлик боққа 5 минг туп ҳар турдаги манзарали ниҳол қаралди. Шу боғ ҳудудида аҳолининг дам олиши ва маънавий ҳордиқ чиқариши учун истироҳат боғи ташкил этиш ҳам режалаштирилган. Айни пайтда боғ ҳудудида оқиб ўтувчи арик атрофини ободонлаштириб, муסיқий фаввора қуриш ишлари бошланди.

ПЕШКУДА "ОНАЛАР БОҒИ"

Кўкаламзорлаштириш ишлари Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги Пешку тумани ихтисослаштирилган мактабда ҳам кенг ташкил этилган. Бу ерда навқирон авлод кўли билан 300 тупга яқин катальпа, 100 туп шумтол ва яна шунча қайрағоч ниҳоллари экилиб, парваришланмоқда.

Тумандаги "Навбахор" маҳалла фуқаролар йиғинида "ОНалар боғи" барпо қилинаётгани ҳам таҳрига лойиқ. Умуман, "Яшил макон" лойиҳаси доирасида маҳаллий иқлимга мос қарийб 2 миллион туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Бундан ташқари, туман қишлоқ хўжалиғи тармоқларида 1 миллион 288 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш чора-тадбири ҳам кўрилмоқда. Фермер хўжалиқлари, агрокластерлар дала четларида ихота барпо қилиш мақсадида 1 миллион 16 минг тупдан зиёд, тоқзор-боғларни кенгайтириш учун 22,7 минг туп, ўрмон фондидаги хўжалиқлар ҳудудида қўшми-ча 48,6 минг туп, шунингдек, ариқ-зовурлар, сув иншоотлари бўйини кўкаламзорлаштириш учун 11 минг туп мевали ва манзарали дарахт ҳамда бутта кўчатларини экишга киришган. Қолаверса, пиллачилик тармоғини ривожлантириш, илак қурти парваришлайдиган хўжалиқларда озука базаси захирасини тайёрлаш учун қўшмича 189,4 минг туп тут ниҳоли ўтқазиш ишлари олиб боришмоқда.

"Қорақалпоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида ва ундаги 33-мактабда туман ҳокимлиги, ташкилот, корхона ҳамда таълим муассасалари ходимлари 2 мингдан ортиқ тут ниҳоли ўтқазилди. Туман камбағаллиқни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими ходимлари "Навбахор" ва "Қалъа" маҳаллаларида 600 тупдан ортиқ манзарали дарахт ва тут кўчатлари ўтқазиб, ҳудудни кўкаламзорлаштиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Хайрли ишга қўшилган "Худудгаз Бухоро" газ таъминоти филиали ходимлари ҳам айни кунда "Қамолот" маҳалласида 500 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ниҳолини ўтқазилди.

ХАЛҚНИ БИРЛАШТИРГАН ЛОЙИҲА

"Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Ромитан туманида ҳам кеч кузги мавсумда дарахт ниҳолларини ўтқазиб, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини кўпайтириб, агротехник талаб асосида парваришладиган алоҳида эътибор қаратилди. Маҳалла ва қишлоқларда ўтган йилги мавсумда 1 млн 300 минг туп атрофида кўчат ўтқазилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич жами 1 миллион 600 минг тупга етказилди.

Доно халқимиз "Боғ яратган элда азиз" деб бежиз айтмаган. "Яшил макон" каби хайрли лойиҳалар эса халқимизни улуғ мақсад йўлида бирлаштираётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Обид ҚўЛДОШ
Бухоро вилояти



БУГУНИНГ НАФАСИ

ЭЛ САЛОМАТ – КҮНГИЛ ТИНЧ



Инсоний қадриятлар молиявий ва маънавий фаровонлик билангина ўлчанмайди. Киши жисмонан соғлом бўлмаса, моддий бойлик ҳаётнинг ҳақиқий моҳиятини яширадиган ташқи қобик бўлиб қолаверади. Шу жиҳатдан ҳар бир ижтимоий шахс саломатлиги нафақат унинг ўзи, балки у яшаётган давлат учун ҳам муҳимдир. Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар бошидаёқ илк эътибор тиббиёт соҳасига қаратилгани ҳам бежизга эмас, албатта.

Хусусан, ўтган 2024 йилда 33,4 триллион сўм фақат тиббиёт соҳасини ривожлантиришга йўналтирилди. Мана шу маблағлар эвазига касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш мақсадида республика аҳолисининг 95,5 фоизи хатловдан ўтказилди ва текширувлар натижасида аниқланган 8,5 миллион нафар беморларнинг 25 фоизи соғломлаштирилди. Тез тиббий ёрдам шохобчалари сони 1766, тез тиббий ёрдам бригадалари 2838, замонавий реанимация автоуловлари сони эса 510 тага етказилди. 11 та инвестиция лойиҳаларига асосан 1246 турдаги тиббий жиҳозлар тиббиёт муассасаларига етказиб берилди.



Худудлардаги тиббиёт бирлашмаларининг эски биноларни қуриш-таъмирлаш ишларига ҳам 1,3 триллион сўм сарфланиб, касалхона ва оилавий шифохоналарнинг эскирган иморатлари тўлиғича янгиланди. Беморлар шифокорга кириш учун тор ва совуқ йўлақларда навбат кутиб турмайдиган бўлди. Қабул бўлимлари электрон тизимга ўтди, беморларнинг шифокор назоратига кириш вақтини масофадан туриб бемалол белгилаш имкониятлари яратилди.

Айниқса, бундай ишлар республикамизнинг олис туманларида амалга оширилаётгани жуда қувонарли ҳол. Жумладан, Самарқанд вилоятининг чекка худудларидан бири – Пахтачи туман тиббиёт бирлашмасига қарашли туман марказий шифохонасида ҳам бугун бутунлай бошқача воқеалик. Бу ерда айни кунларда 278 ўринли касалхона биносини қайта таъмирлаш ишлари якунига етай деб турибди. Энг катта реконструкция ишлари жонлантириш бўлимида амалга оширилди. Бинонинг қабул бўлимига тегишли қисми янгидан қурилди. Йўлақлар тўлиқ асфальтланди, шифохона ҳовлиси замонавий ландшафт дизайни асосида қўқаламлаштирилди.

Амалга оширилаётган ишлар фақат қуриш-таъмирлаш билан боғлиқ эмас, албатта. Ислохотлар бирлашмада фаолият олиб бораётган ишчи-ҳодимлар шижоатига ҳам яхшигина таъсир ўтказди. Бош шифокордан тортиб оддий хизматчиғача бирлашманинг

моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида “Опен бюджет” ижтимоий ташаббуслар лойиҳаси доирасида фаол иштирок этиб, қўшма маблағни қўлга киритди. Пировардида МСКТ (Мультиспираль компьютер томографияси), стационар ва портатив рентген, сунъий нафас олиш аппаратлари, дефибриляторлар, гарстрофиброскоплар, биохимик ва гематологик анализаторлар, ПЗР ускуналари, учта гемодиализ аппарати, энг янги жарроҳлик ускуналари ва бирлашма таркибидаги ҳудудий бўлимларга 16 донга ЭКГ аппаратлари олинди. Электр билан боғлиқ муаммолар содир бўлмаслиги учун марказий шифохонага 100 квт. дизель генератори ва ташқи замонавий қуёш датчиклари ҳам ўрнатилди.

– Бошқа туманлардаги марказий шифохоналарига нисбатан бизда диагностика ва даволаш салоҳияти юқорилади, – дейди Пахтачи туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари Улуғбек Сувонов. – Имкониятларимиз кенгайди, юқори технологик жарроҳлик ишларини шу ернинг ўзида амалга оширишимиз. Эндоскопик, лапароскопик, артроскопик операцияларни тажрибали шифокорларимиз ўтказмоқда. Энг катта муваффақиятларимиздан бири эса чанқоқ сон бўғинини эндопротезлаш амалиёти йўлга қўйилди. Шунингдек, учта туманлараро – қўшма шикастланиш ва ўткир юрак қон томир касалликлари, гемодиализ ва ҳушёрхона марказлари фаолиятини ҳам

йўлга қўйдик. Мақсад – беморлар учун қулай шарт-шароитларни янада кўпроқ яратиш, одамларнинг дардига даво истаб узоқ масофаларга овра бўлиб юришларининг олдини олиш, тиббий хизмат тезлигини ва сифатини яхшилаш.

Дарҳақиқат, туман миқёсида халқ саломатлигини яхшилаш ва бунинг учун етарли қулайликларни ошириш мақсадида қилинаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Ҳозирги кунда ҳар икки минг киши учун битта тиббиёт бригадаси фаолият юритяпти, тиббиёт кластерлари ишламоқда. Бирлашмага қарашли бешта оилавий поликлиника, ўн битта шифокорлик пунктлари интернет ва локал тармоқлар билан таъминланган. Бирламчи тиббий хизмат “Бир қадам” тамойили асосида ташкил этилмоқда.

Шу ўринда шифокорларнинг тиббий билими ва малакасини ошириш ва қайта

малака ошириш учун юборилди. Қирқдан ошқ оилавий шифохона ҳодимлари Самарқанд давлат тиббиёт университети-нинг кардиология кафедраси ЭКГ курсида қайта ўқитилди.

Жонлантириш бўлимида ташқаридан келатган чанг, инфекция ва ҳар хил турдаги вирусларнинг ушлаб қолиниши, беморлар стерил ҳолатда сақланиши учун асептик ҳаво алмашинув системаси ўрнатилган. Микробларни ўлдириб турувчи ультрафиолет лампалари йўлақлар бўйлаб қўйилган. Девор ҳар томондан антибактериал қопламалар билан қопланган. Ҳар бир беморнинг бош тарафида кардиомонитор, хоналарда эса кислород тарқатувчи аппаратлар ишлаб турибди.

– Гемодиализ жараёни тўрт соат давом этади, – дейди бўлимнинг навбатчи ҳамшираси Гўзал Махфиратова. – Йиллар давомида беморлар ана шу тўрт соатлик муолажа учун касал ҳолига узоқ йўл босиб, вилоят маркази ёки Каттақўрғон, Навоий шаҳарларига боришига тўғри келар эди. У ерда ҳам навбат кутиб қийналишарди. Бўйраги ишламаган одамнинг организми заҳарланаверади. У ҳар икки-уч кунда буйрак тазолатиб, қонини ювириб туришга мажбур. Тез-тез муолажага қатнашинг ўзи бўладими? Бўлимнинг ташкил қилингани беморларимиз оғирини енгил қилди, харажати камайтирди. Дори-дармонлар ҳам тўлиғича давлат ҳисобидан касалхонанинг ўзидан берилди, бемор овра бўлмайди.

Ҳа, халқимизнинг мана шундай эътиборга эҳтиёжи бор эди. Айниқса, танасига кирган дард билан олишиб, қуввати пасайган хаста инсонларнинг мушқули осон бўлаётгани ҳар қанча таърифта арзийди. Юқорида санаб ўтганларимиздан ташқари республика бўйлаб “Электрон поликлиника”, “Электрон шифохона” ахборот тизимлари ҳам такомиллаштирилди. “Ягона тиббиёт ахборот тизими” (DMED) жорий қилинди. Шу йилнинг ўзида Тошкент шаҳридан бошлаб қўлланилиши режалаштирилган “электрон рецепт тизими”ни жорий этишга қаратилган пилот лойиҳалар тасдиқланди. Унга кўра беморларга дори воситалари дорихоналардан тўғридан-тўғри бепул тарқатилади. Муҳими ҳам шу, бу элнинг жони соғ, кўнгли тинч бўлсин!

Муҳайё ПИРНАФАСОВА



САРҲИСОБ:
2024 йилда
ТИББИЁТ

2024 йилда тиббиёт соҳасида касалликларни эрта аниқлаш ва профилактика қилиш мақсадида юртимиз аҳолисининг 34,8 млн нафари (95,5 фоиз) тиббий хатловдан ўтказилди, аниқланган 8,5 млн нафар бемор соғломлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” ахборот тизимлари такомиллаштирилиб, “Ягона тиббиёт ахборот тизими” (DMED) жорий этилди. Мазкур тизим Тошкент шаҳри, Сирдарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги бирламчи бўғин муассасаларида тўлиқ ишга туширилди.

Бошланиши 1-саҳифада.

САРҲИСОБ:
2024 йилда
ТУРИЗМ

Бухоро вилояти кесимида таҳлил қилинганда, ўтган йилнинг сўнги 9 ойи мобайнида вилоятга 1 миллион 118 минг нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 16,8 фоизга кўпдир. Экспортда туристларга хизмат кўрсатишдан олинган даромад 279,1 миллион АҚШ долларга етди.

ЖОЗИБАДОР САЙЁҲЛИК МАРКАЗИ



кўрсатилаётган туризм хизматлари ҳажмини ошириш борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳам Бухоронинг туризм маркази сифатида жадал ривожланаётганидан далолат. Бундай чора-тадбирлар вилоят иқтисодиётига узоқ мuddатли ижобий таъсир кўрсатиб, маданий-тарихий меросини асраб-авайлашга хизмат қилади.

Халқаро сайёҳлик оқимининг кўпайиши минтақанинг маданий ва тарихий меросини тарғиб қилиш бўйича олиб борилаётган мақсадли саъй-ҳаракатлар самарасидир. Айниқса, тарих ва этник анъаналарга асосланган янги сайёҳлик маҳсулотлари тури кўпайгани сабаб хорижий сайёҳларда минтақага қизиқиш янада кучайди. Абу Али ибн Сино тўғилиб ўсган Афшона қишлоғида барпо этилган “Этник туризм шаҳарчаси” ана шундай лойиҳалардан бири бўлди.

Хуллас, пухта ўйланган стратегия ва туризм инфратузилмасини ривожлантиришга комплекс ёндашув Бухоронинг халқаро сайёҳлик маркази сифатидаги мавқеини мустаҳкамламоқда. Хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сонининг ортиб бораётгани минтақанинг иқтисодий, ҳам маданий равнақига хизмат қилиб, уни узоқ мuddатли сармоявий ва қисқа мuddатли туристик саёҳатлар учун жозибатор қилади.

Туризм индустриясининг ҳозирги тенденциялари маданий, кўнгличар ва экологик жиҳатларни ўзида мужассам этган туристик маҳсулотларни яратишга комплекс ёндашувни талаб қилади. Шу боис сайёҳларнинг турли тоифалари эҳтиёжларини қондирадиган ноёб инфратузилмани яратиш ва сайёҳларнинг қизиқишини қучайтиришга қаратилган лойиҳаларга эъти-

бор қаратилмоқда. Гастрономик кўчалар ва этник аҳоли пунктлари барпо этилапти. Бундай аҳоли пунктларида сайёҳлар маҳаллий урф-одатлар, хунармандчилик ва қадимий тангалар, меҳнат қуроллари ва артефактлар билан танишишлари мумкин. Миллий таомлар намойиш этилаётган гастрономик кўчалар эса сайёҳларга Ўзбекистон пазандалик анъаналари билан яқиндан танишиш имконини бермоқда. Ўзбек миллий таомларини тайёрлаш бўйича мунтазам ташкил этилаётган фестивал ва маҳорат сабоқлари сайёҳларнинг қизиқишларини янада кучайтиради.

Ўзбекистонда экотуризм ва маданий туризмни ривожлантириш барқарор туризмнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Мамлакатнинг табиий бойликлари, жумладан, тоғли худудлар, қўриқхоналар ва чўллار экотуризм йўналишлари учун асос бўлади. Бу нафақат туризмни ривожлантириш, балки табиий ландшафтларни асраб-авайлаш, экология ва барқарор туризмга бўлган қизиқишни ҳам оширади.

Туризм инфратузилмасини кенгайтириш ва турли тоифадаги сайёҳлар учун қулайликлар яратиш мақсадида минтақада янги кўнгличар худудлар, жумладан, аквапарклар ва бошқа туристик мажмуалар барпо этилмоқда. Масалан, Тўдақўлда болаларга мўлжаллаб қурилаётган аквапаркда сув аттракционлари, бассейнлар, дам олиш ва овқатланиш жойлари бўлади. Бундан ташқари, 60 дан ортиқ янги жойлаштириш объектлари, жумладан, меҳмонхоналар, ҳостеллар ва иситиладиган меҳмон уйлари қуриш режалаштирилган.

2025 йилда вилоятда умумий қиймати 106,4 миллион долларлик 44 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Шундан 20 миллион доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Бу лойиҳалар қаторида 37 та меҳмонхона, 1 та ҳостел, 3 та мотел, 1 та ресторан, экотуризм маркази ва йирик турист-

тик савдо мажмуаси барпо этилади. Бундай йирик хорижий инвесторларни жалб қилиш нафақат туризм инфратузилмасини яхшилашга, балки меҳмонхона ва ресторан бизнесига илгор технологияларни жорий этишга муносиб ҳисса қўшади. Бу эса сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини сезиларли даражада яхшилаб, халқаро ва ички туризмни янада ривожлантиради.

Таҳлилларга кўра, мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида 2025 йилда Бухоро вилоятига ташриф буюрадиган сайёҳлар сони 6,1 миллион кишига етиши, туристлар кўпайиши ва инфратузилманинг яхшиланиши эвазига туризмдан тушадиган даромад 550 миллион долларгача ошиши кутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, киритилаётган инвестициялар янги иш ўринлари яратиш, хизматлар сифатини яхшилаш ва соҳадан тушадиган даромадларни оширишга хизмат қилади. Ушбу лойиҳалар мамлакатни халқаро сайёҳлар учун жозибатор манзилга айлантиради ва туризм хизматлари экспортини ошириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Ушбу ташаббусларнинг амалга оширилиши сайёҳларнинг юртимизда ўртача бўлиш мuddатини 4 кундан 5,5 кунга оширишга, қарийб 10 минг янги иш ўрни яратишга, туризм саноати ва унга алоқадор тармоқларда 80 минг кишини иш билан таъминлашга олиб келади. Натижада Бухоро нафақат жозибатор сайёҳлик масканига, балки минтақанинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган, унинг узоқ мuddатли равнақ топиши учун шароит яратадиган муҳим халқаро туризм марказига айланади.

Олим АСТАНАҚУЛОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси,
зиёрат туризми кафедраси мудири,
профессор



МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Маънавий тарғибот шунчаки оёғи ердан узилган, умумий, ҳамма билладиган гаплардан иборат масала эмас. Унинг турларини одамларнинг ахборотни қандай йўллари билан қабул қилишидан келиб чиқиб белгилаймиз:

а) визуаллар – ахборотнинг катта қисmini кўриш орқали қабул қилувчилар. Булар жуда-жуда кўпчилигини ташкил этади. Халқимиз бекорга: “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал”, деймайди;

б) аудиофлар – ахборотнинг касбини қисmini эшитиш орқали қабул қилувчилар;

в) кинестетиклар – ахборотнинг катта қисmini бошқа сезгилар, масалан, ҳид билиш, пайпаслаш ва бошқалар ҳамда ҳаракатлар орқали қабул қилувчилар;

г) дискретлар – ахборотни мантиқий фикр-мушоҳада, рақамлар, белгилар, мантиқий далил-исботлар орқали қабул қилувчилар.

Албатта, булардан фақат биттасигагина дахлдор кишилар кам топилади. Оддатда одамлар буларнинг баридан фойдаланади. Фақат объектив ва субъектив шарт-шароитдан келиб чиқиб, кимдир у, бошқа биров бу турни кўпроқ маъқул топади.

Ҳар қандай таснифда бўлгани каби, табиийки, бу ерда ҳам нисбийлик мавжуд. Синкретик, яъни аралаш турлар ҳам бор. Масалан, радио фақат эшитилади, тасвирий санъат асарлари, фотосувратлар, музей экспонатлари фақат кўрилади. Лекин кино, телевидение кўрсатувлари, бошқа видеоматериаллар, театр санъати махсулотлари, концертлар ҳам кўрилади, ҳам эшитилади. Модомики шундай экан, маънавий тарғибот буларнинг барчасидан бирдай фойдаланишга мажбур.

Оқирдаги турт турдан қай бирига киришидан қатъи назар, қуйидаги тизимлар маънавий тарғибот билан бевосита шуғулланади.

Булар:

а) Республика Маънавият ва маърифат маркази тизими; б) маданият тизими; в) таълим тизимлари; г) оммавий ахборот воситалари тизими; д) нашриётлар тизими; е) маҳалла тизими; ё) ёшлар тизими; ж) оила ва хотин-қизлар тизими; з) касабга уюшмалари тизими; и) диний конфессиялар тизими; й) илҳомий тарғиботлар тизимлари; л) жисмоний маданият ва спорт тизими; м) ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимлари ва ҳоказо.

Ўзбекистонимизда маънавий тарғибот билан шуғулланмайдиган бирор ташкилот, муассаса, идора, корхона йўқ. Чунки Республика Маънавият кенгаши мамлакатдаги бу соҳа бўйича асосий йўналишларни белгилаб беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти ана шу кенгашнинг раиси ҳисобланади. Мамлакатимиздаги барча минтақалар биринчи раҳбарлари, яъни Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ўз минтақавий Маънавият ва маърифат кенгаши раиси ҳисобланади. Шунингдек, туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳам ўз ҳудудий маънавият ва маърифат кенгаши раиси ҳисобланади. Афсуски, кўп маънавий тарғиботчилар нутқида амалда “парламент”, “ҳукумат” ва “суд” каби қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ўз ичига қамраб оладиган “давлат” сўзи ўрнига ҳам “ҳукумат” атамаси қўллаб кетилмаётгани. Ҳаттоки, баъзан оммавий ахборот воситаларида ҳам “ҳукумат мукофотлари” деган мутлақо хато истилоҳга дуч келамиз. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасида давлат мукофотлари жорий этилган, улар давлат раҳбари, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони билан берилди.


Маънавий тарғибот таъсирчанлигини оширишга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Унинг кўп-кўп талаб ва шартлари, йўл ва йўриқлари бор. Маънавий тарғиботчи ўзидаги ахборотни, бир иложини қилиб тарқатиб олса, бўлди эмас. Бу – масаланинг бир томони. Лекин асосий мақсадга эришган-эришмаганлик шу ахборотнинг тарғибот қаратилган омма вакиллари тарафидан қандай ўзлаштирилганига қараб белгиланади. Шунинг учун маънавий тарғиботчи тингловчиларнинг онг-тафаккури барча нозик жиҳатларига ҳам ҳисобга олган ҳолда иш юритишга мажбур.

Касб тақозоси билан тажриба сифатида атоқли қизқичимиз Ҳожибой Тожибойнинг тракторчи ва ўқитувчилар қиёси асосидаги бир пайтлар жуда машҳур бўлиб кетган чизиқнинг мақсадини кўп ер-

ТАЪСИРЧАН ТАРҒИБОТ ЗАРУРАТИ



ларда кишилардан сўраганман. Ишонасимиз, эксперимент иштирокчиларнинг 80 фоизга яқини: “Бу чизиқда қизиқчи тракторчиларни улуғлаган”, деб ҳисоблашини маълум қилишган. Ҳолбуки, Ҳожибой Тожибой ўз пайтида: “Эй биродарлар, қандай замон бўлдики, ўқитувчидек муқаддас касб эгаларининг мавқеи, ҳатто, тракторчиларнинг мавқеидан ҳам паст даражага тушиб кетса, мамлакат ва халқнинг келажиги нима бўлади?!” деб бонг урган эмасмиди?



Индукция

Дедукция

“Индукция” лотинча “inductio” – буриш, тўғрилаш; кўзгатиш маъноларидан олинган. Унга 5 жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да шундай изоҳ берилган: “Жузъий ҳодисалардан умумий натижа чиқариш, айрим фактлардан умумий хулосага келиш; зидди дедукция” (2-жилд. – Тошкент: 2006. – Б. 209). “Сабр”, “оят”, “сура”, “пора” (“жузв”), “Қуръон”, “вахий”, “охират”, “ислом”, “дин”, “Аллоҳ” тартибида кичик тушунчадан катта тушунчага қараб (“индукция” йўли билан) бориларди.

“Дедукция”га 5 жилдди “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да: “Умумий ҳолатдан жузъий хулоса чиқарган ҳолда муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш; зидди индукция” (1-жилд. – Тошкент: 2006. – Б. 591), тарзида изоҳ берилиб, сўзнинг лотинча “deductio” – “пайқаб олиш”, “хулоса чиқариш” сўз бирикмаларидан олингани, мантиқ илмига алоқадорлиги ҳам қайд этилган.

“Аллоҳ”, “дин”, “ислом”, “охират”, “вахий”, “Қуръон”, “пора” (“жузв”), “сура”, “оят”, “сабр” тартибида эса катта тушунчадан кичик тушунчага қараб (“дедукция” йўли билан) бориларди.

Маънавий тарғиботчи маъруза жараёнида қайси йўл билан кетаётганини аниқ билиб туриши, шуни қатъий инобатга олиб бориши лозим. Мантиқ илмининг асрлар мобайнида эришган ана шундай йўл-йўриқларидан келиб чиқмасак, одамларнинг онг-тафаккурига таъсир ўтказишимиз, уларнинг бирор нарсани охиригача тушуниб олишига амалий ёрдам беришимиз жуда-жуда қийин кечади.

Биз ўзимиз ишталаётган тушунчаларимизни тўла англариимиз. Ле-

бўлишимиз ҳам керак.

Бугун дунёда сўз орқали таъсир этишда тил маҳорати билан бирламчи эътибор берилди. Қадимда ҳам шундай қилинган, ҳозир ҳам талаб бу, бундан кейин ҳам шундай бўлади. Табиийлик – тилга эътиборнинг бирламчи талабларидан. Табиийликдан самимийлик келиб чиқади. Маърузачининг тили имкон қадар адабий тилга бўйсунуши ва халққа тушунарли ва яқин бўлиши лозим. Тилин яхши билмай туриб бу тилда самарали маънавий тарғибот олиб боришининг асло иложини йўқ.

Тарбияга йўналтирилган ҳар қандай ҳатти-ҳаракат, қадам, восита, дарс, тадбир, маросим, ўғит, тизим ва ҳоказода мақсад аниқ-тиник бўлиши, яъни тарбияга маъсул ҳар бир шахсда айнан тарбияланувчи онгига қандай (сиёсийими, иқтисодийими, динийими, ҳуқуқийими, мафқуравийими, демократикими, экологикими, тиббийими...) ўзгариш кутилаётгани олдидан ўйлашиши ва шу ички қатъий режа асосида иш олиб борилиши лозим.

Сўзга жуда чечан нотик, ҳатто, валломат воиз ҳам тингловчилар диққатини 5-6 дақиқадан ортқ банд этиб тура олмайди. Аммо 5-6 дақиқадан биров-бир мавзу бўйича кўнгилдагидек маъруза қилишнинг ҳам асло иложини йўқ. Нима қилиш керак? Йўлларини излаш зарур. Йўллари эса кўп. Гапиришни тўхтатиб, экранда бирор видеолавҳа қўйиб. Бировнинг ёзганидан парча ўкиб берганингиздан кўра, унинг ўзи гапирган аудио ёки видео парчалани қўйиб беринг. Мавзуга боғлай олсангиз, шеър ўқинг. Бирор кўшиқдан хиргойи қилиб беринг. Қизиқчиларга ўхшаб роғла кирган ҳолда мавзуга дахлдор бир ҳангома айтиб беринг. Бир китоб кўрсатинг. Бирор расм намойиш этинг. Бир хиллик ҳеч қачон ёқмайди, ахир.

Маънавий тарғиботда, борди-ю, жаҳон буюқларидан бирининг номи тилга олинди, энди, албатта, у кишининг ким экани, қачон ва қаерда яшагани, нима иш қилгани, нима мақсадга ҳозир тилга олинаётгани қисқанга қилиб айтиб ўтилиши шарт. Кўпчилигимиз: “Мен тилга олган зотни ҳамма билади”, деб ўйлайди. Асло ундай эмас. Билъақ, бу келтирилган маълумотимиз мақсадини ойдинлаштириш ўрнига масалани баттар чигаллаштиради. Чунки

ҳар бўлса керак”, деди суҳбатдошим. Сабабини суриштирсам: “Абу Даби” деган шаҳар бор-ку!” – деди.

Бу талаблар маърузачи ҳар қандай оғзаки тарғибот қилаётган бўлса ҳам, бу чиқишига олдиндан пухта тайёргарлик кўриши, нутқининг хомаки режасини ойдон пиштириб, фикрларини ихчам тезислар тарзида ёзиб олиши, керакли маълумотлар билан қуролланиб, сўнг минбарга чиқиши лозимлигини кўрсатади.

Таъсирчанликнинг энг асосий талаби – ишонтириш. Ишонтиришнинг энг асосий талаби – тўғри сўзлаш. Тўғри сўзлашнинг энг асосий шартини – сўз билан амал билриги. Ҳеч қачон минбарда ўзимиз амал қилмайдиган сўзни гапирмаслигимиз лозим. Мабода, гапириб, амал қилмаётган бўлсак, уни халқдан яширишининг ҳеч иложини йўқ. Шунинг учун имкон қадар бугун ҳақида, замон билан боғлиқ гапларни гапиришимиз зарур. Бугуннинг сиёсатини билмай туриб эса замон талаби даражасида маъруза тайёрлашнинг ҳеч имкони йўқ.

Ҳожа Ҳофиз Шерозий (XIV аср)нинг бир байти шундай жаранглайди:

*Воизон кин чилва бар
мехробу минбар мекунад,
Чун ба хилват мераванд,
он кори диғар мекунад.*

Мазмуни: “Воизлар мехробу минбарда жилва қилишади, лекин хилватга ўтганларида эса бошқа иш билан машғул бўлишади”.

Кўпчилигининг шакланган тасаввурларига бутунлай тескари, яъни улардан юз фоиз ёхуд бир юз сақсон градус фарқ қиладиган фикрний илгари суришда жуда эҳтиёткорона йўл туттишга тўғри келади. Ифодали қилиб айтганда, битта янги мулоҳазани ўртага ташлаш учун аввал тўққизта эски гапни келтириш зарур. Чунки янгиликнинг қабул қилиниши – доимо оғир кечадиган жараён.

Энди яна бир масала ўртага тушади, бу – тингловчиларнинг ким-лардан иборат экани, уларнинг онг-тасаввурлари даражаси.

...Бир амри маъруфда маърузачи меъроҳ ҳақида узоқ гапирди.

– Воиз нима ҳақда гапирди, мен яхши англолмай қолдим? “Меъроҳ” дегандек бўлдими? Нима ўзи – меъроҳ? – деб сўрадим.



кин энди ахборотни қабул қилаётган аудиторияларни қай даражада тушунаётгани билан ҳисоблашга мажбуримиз-да. Бунинг учун тингловчилар тарихи (контингенти) ҳақида аниқ-тиник тасаввурга эга

тингловчига етти ёт бегона одам ҳақида гапиршининг нима кераги бор?

..Бир амру маъруфда Абу Хурайра тилга олинди. Атайлаб ёнимдагилардан Абу Хурайра ҳақида сўрадим. “Арабистондаги бир ша-

– Э, ука, унақа нарсаларга ақлимиз етадиган бўлганда имом эмас, биз гапирган бўлардик, бორинг, маърузачининг ўзларидан сўранг, – дейишди.

Аввал меъроҳ ўзи нималигини

обдон тушунтирмай туриб ҳам бу ҳақда шунча маъруза қилиш мумкинми? Демак, имом, қарийбки, ўзига ўзи гапирди. Бундай маърузанинг таъсирчанлиги йўқ даражада. Бундай маърузанинг кимга кераги бор?

Воизнинг ҳеч маҳалда ўзини академик, ўтирган сомеларни эса “укадемик” санашга ҳаққи йўқ.

Дунёда энг қийин ишлардан бири – бир кишининг миясида пишган фикрний бошқалар онгига ўтказиш. Фақат бош талаб шуки, бадийий-тимсолий қилиб айтилдиган бўлса, қўшиқнинг боғида-диг мевалардан таниб кўриш учун аввал кўшни билан бирга етаклашиб, ўша боққа кириб олиш керак, шундангина мевага қўл етиши учун имкон пайдо бўлади. Акс ҳолда, боғнинг деворларидан нарида туриб узоқдан кўз қамаштириб ётган мевалар ҳақида ширин орзугина қиламиз, холос.

Маънавий тарғиботда, албатта, жамоа вакилларидан тушган саволларга жавоб беришга тўғри келади. Жавоб ҳақида амал қилиш мумкин бўлган тарзда баён этилиши, бунинг учун фалсафанинг макон ва замон деган тушунчаларини асло ёддан чиқармаслик, яъни таъсирчанликка эришиш учун қайси жамиятда ва қандай даврда яшаётганимизни ҳар тарафлама мушоҳида қилган ҳолда иш кўриш зарур бўлади.

Модомики, мукаммал шахс тарбияси жамиятимизнинг асл мақсадига айланган экан, тарбияни комплекс, яъни ҳар томонлама уйғун тарзда олиб бориш – замон талаби. Масалани шу тарзда қўйсакин, жамиятни ўзгартири оламиз. Жамиятни ўзгартирмасак, ҳаёт мамлакат ва халқ олдига қўйган мақсадга етиш – ҳуқуқий демократик тузумни шакллантириш, илгор давлатлар сафига қўшилиш мушкул кечади.

Оғзаки тарғиботда, радио ва телевидение чиқишларида овоз – одамларни ишонтиришнинг энг асосий қурли. Самимийликка айнан маърузачининг талаффуз маҳорати орқали эришилади. Абдурахмон Жомий (XV аср) хузурларида биров жуда бақир-чақир билан, овозини ўта даражада баландлатиб шеър ўқиган экан, пири компил уни: “Тақсир, шеър ўқурмасиз ёхуд кичи қўруқтурмасиз?” дея танбех берган эканлар...

Алишер Навоий (XV аср) бир буюқ зотнинг мавзумизга бевосита дахлдор зўр фикрини келтиради: “Воиз улдулки, унинг суҳбатига бой кирса, камбағаллигини ҳис этиб чиқсин, камбағал кирса, бойиб чиқсин”. Мазмуни шуки, ўзини, шу воиздан кўра биллимироқман, деб ҳисоблаган одам агар унинг маърузасини эшитса, фикридан қайтиб, кўтарилган мавзу бўйича воизчалик биллими эмаслигини (демак, камбағаллигини) тан олсин, борди-ю, ўзини воизга нисбатан биллимироқ ҳисоблайдиган киши унинг суҳбатига мушарраф бўлса, чиндан ҳам, ундан етарли даражада билим ўзлаштирсин (демак, маънавий жиҳатдан бойисин).

Хуллас, кўп маълумотга эга бўлиш – бошқа нарсас. Бироқ уни оммага тушунарли ва таъсирчан тилда етакзиб бериш бутунлай бир бошқа маҳорат талаб қилади. Бугунги кунда мамлакатимизда маънавий тарғибот билан фаол шуғулланиб, катта маҳоратга эга бўлган тамоман янги бир зибиллар тоифаси юзага келди.

Мулоҳазаларимиз шу соҳа вакиллари истиклол йилларидаги тажрибалари таҳлилдан келиб чиққан хулоса ва тақлифлар тарзида қозоғга тушди.

Султонмурод ОЛИМ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти “Ғоя-инкубатор” лойиҳаси экперти



МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ЗАМОН ТЕГИРМОНИДАН ОМОН ЧИҚҚАН ЗАМОНБОЕВ



Мухаммад Расул Замонбоев

1918 йилнинг февралда Туркистон Мухторияти Қўқонда қизил қўшн ва арман дашноқлари қўли билан қонга ботирилган, жадидлик ҳаракатида бўлиниш юз беради. Мухторият раҳбарлари қатагонга учраб, бир қисми хорижга чиқиб кетади. Ва уша ердан туриб сиёсий курашнинг давом эттиришга уринади. Бир қисми эса жадидликнинг ғоявий асоси бўлган маърифат тарқатиш ишлари билан чеқланади. Янги мактаблар очиб, унда маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, матбуот воситасида элнинг фикрини очиш ишларини давом эттиради.

Шунингдек, жадидлар, хусусан, уларнинг кенжа авлоди ичида вазиетдан ҳар қандай йул билан бўлсин фойдаланишни, эл-юртда адолат барқарор бўлиши, меҳнаткаш халқнинг бўйнидаги истибдод занжирини озгина бўлсин бўшатини ниёт қилганлар ҳам бор эди. Улар бош ғоя – истиқлол орузси бой берилган бўлса ҳам, миллатни асраб қолиш зарур, деган фикрда бўлишган. Бунинг учун шароит имкон берган барча воситалардан фойдаланишга уринган. Жумладан, шўро тузуми берган имконияتلардан ҳам.

Жадидларнинг шундай ёш авлоди вакилларидан бири Мухаммад Расул Замонбоев эди.

У 1896 йил ҳозирги Қозоғистоннинг Туркистон вилояти, Иқон қишлоғида дунёга келган. Отаси савдо билан шуғулланиб, фарзанди Мухаммад Расулнинг илм олишига алоҳида эътибор беради. У, дастлаб, Иқонда савод чиқарди, рус-тузем мактабда ўқиди. Кейин тахсилни Туркистонда, илгор фикрли саноатчи бой Саидноснир Миржалилов очган жадид мактабда давом эттирди.

Саидноснирбой ўқувчилар орасидаги фикри тийрак, кўнгли беғубор, илмга тиришқоқ, энг муҳими, мақсадидаан чекинмайдиган ёш йигитчанинг кенгроқ даврага чиқишини хоҳлайди ва уни Тошкентга, Мунаввар қори Абдурашидхоннинг “Намуна” мактабига юборади. Мухаммад Расул Тошкентга келганида шаҳар алғов-далғов ичида эди. Русияда бошланган 1917 йил февраль инқилоби маълумлар фикратида тўнтарош ясаган, ҳамма ерда “Хуррият, хуррият!” деган гап-сўз эшитиларди. Ёш йигитча ўқиш қолиб, шаҳардаги сиёсий курашларга шўнгиб кетарди. У жадид устозлари қошида камарбаста бўлиб туради.


Миллат фидойилари қўлида таълим олган Мухаммад Расул ҳамфирларни каби истиқлол орузси билан яшар эди. Туркистон Мухторияти эълон қилинганч, у Қўқон шаҳрига бориб, Саидноснир Миржалилов ёнида Мухторият ҳукумати хизматига бўлади. 1918 йил февралда қизил армия ва арман дашноқлари томонидан Мухторият қонга ботирилганч, мислсиз қирғинлардан омон чиққан Мухаммад Расул ўзи туғилиб ўсган Туркистон шаҳрига қайтишга мажбур бўлади. Лекин бу ерда ҳам сиёсий курашлардан ҳозирлашамади. Қозоғистон мустақиллиги учун кураш бошлаган “Алаш ўрда” партиясига хайрихоҳлик қилиб, бир муддат унинг сафларида ҳам бўлади. Бирок истиқлол орузси қозоқ заминида ҳам қонга ботириллади.

Шунда у курашни янгича давом эттириш

керак, деган фикрга келади ва 1919 йили компартия сафига киради. Бу пайтлар у ўқитувчилик қилаётган эди. Шаҳар аҳлининг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашарди. Партияга ўтгач, Мухаммад Расул 1922 йил январь ойдан Туркистон шаҳар судига котиб бўлиб ишга ўтади. Шу йилнинг июль ойда Туркистон АССР МИК раиси ўринбосари Султонбек Хўжанов аралашуви билан судья лавозимига сайланади.

Бу вақтда Туркистондан бир гуруҳ ёшлар Тошкентга келиб, қозоқ эрлар маориф институти, ўзбек эрлар маориф институти, турли илми факультетларида илм олаётган эди. Тошкентда уларга Саидноснир Миржалиловнинг “Туркистон” савдо шirkати ҳомийлик қиларди. Мухаммад Расул Замонбоев ҳам шу шirkатда ишлаб, ёшларнинг “Кўмак” уюшмаси тadbирларида Боту, Тўлаган Мўмин ва Носир Саидлар раҳбарлигида фаол иштирок этди.

Мухаммад Расул Замонбоев 1924–27 йиллар давомида Чимкент шаҳар халқ судьяси, 1927–28 йиллар Туркистон шаҳрида судья вазиасида ишлаган. 1928–29 йилларда Тошкент юридик техникумида ўқийди. 1929–30 йиллар яна Туркистон шахри



халқ судига фаолият юритди. Бирок 1929 йилдан эътиборан унга нисбатан турли фитна-фасод авж ола бошлайди. Бу ишда совет матбуоти, айниқса, жонбозлик кўрсатади. Жумладан, “Ёш ленинчи” газетасининг 1929 йил 4 апрелдаги 26-сонида “Қурбон” деган кимсанинг “Юзлардаги пардани очиш керак” хабари босилади.

Унда Чимкент судьяси Замонбоевни коллективлаштиришга халақит бериш ва иқонлик кулоқларни ҳимоя қилишда айблайди. Бу билан чеқланмасдан, унинг 1919-20 йилларда Саидноснир Миржалиловнинг “думи” бўлгани, Урта Осий юридик техникумида ўқиб юрган пайти партиядан ҳайдалгани каби ҳолатларга шайма қилиб ўтади. Орадан кўп ўтмай, Мухаммад Расул Замонбоев яна бир бўҳтон – порахўрлик айби билан ГПУ томонидан ҳибсга олиниб, 9 ой мобайнида қамоқда сақланади. Ҳартугул, ўзининг айбсизлигини исботлашга муваффақ бўлиб, озодликка чиқарилади.

Лекин таъқиб ва таҳдидларнинг охири кўринмасди. Оқибатда, ишини ташлаб, Тошкентга кўчиб келишга мажбур бўлади. Бирок ганимлар уни бу ерда ҳам тинч қўймагач, Андижонга кетиб, душманлари нигоҳидан чет-роқда, турли идораларда ҳалол ва шижоат

билан меҳнат қилади.

Орадаги салкам тўқсон йиллик вақт масофаси Мухаммад Расул Замонбоев қайси айблари учун бундай қаттол душман орттирди экан, деган саволга жавоб топишга имкон бермайди. Аммо эл кўзидан четда, кичик идораларда меҳнат қилиб юрган Мухаммад Расул устидан чақувлар, иғволар давом этгани, “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 1934 йил 15 октябрь сонида “Фисқ-фужурга содиқ” сарлавҳали мақолада яна асосий нишонга айлангани маълум.

Мазкур мақола чоп этилганидан сўнг, орадан ярим йил ҳам ўтмай, 1935 йил апрелда Мухаммад Расул Замонбоевнинг айбсизлиги тўлиқ исбот топиб, Андижондан чақиртириб олинади ва Ўзбекистон Бош прокурорининг ёрдамчиси этиб тайинланади. Акс ҳолда ўша даврнинг таомилига кўра, газетанда “урилган” одам қамалиб йўқ бўлиб кетиши керак эди.

У 1935–1937 йиллар давомида мазкур лавозимда адолатни таъминлаш, қонунийлик ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш йўлида самарали иш олиб борди. Афсуски, розолат ва зулмга асосланган жамиятда унинг бу эзгу ҳаракати яна қадр топмади. Ақсична, 1937 йил 29 июлда мамлакатнинг марказий наشري бўлган “Қизил Ўзбекистон” газетасининг 166-сонида махфий “Н.Ш.” имзоси билан “Олий суддаги сахийлар” номли хабар босилди. Унда ёзилишча, гўёки Тошкентдаги 21-дўкан мудир Халиковнинг фаолияти текширилган ва натижада 4416 сўмлик қамомад аниқланган. Айбдор 2650 сўмини тўлаган ҳолда Олий судга шикоят ёзган. Олий судда Мухаммадов, Абдураҳмонов, Замонбоев ишни ўрганиб, уни оқлаб чиққан кескин танқид қилинади. Ваҳоланки, судда Халиковнинг гаразли мақсадда ноҳақ айблангани ўз исботини топган эди.

1937 йил 17 сентябрда бўлган бошлангич партия ташкилоти мажлисига қақирилган Мухаммад Расул Замонбоев НКВД томонидан қамоққа олинган Султонбек Хўжанов ва Карим Абдуллаевлар билан таниш бўлган, деб партиядан ҳайдалади. 1937 йил 10 октябрда Тошкент шаҳар, Киров тумани партия қўмитасида яна Замонбоев масаласи кўтарилган ва унинг ўтмиши, Саидноснир Миржалилов оиласига куёв бўлгани ақсилқилобий фаолият сифатида баҳолиниб, Далаян томонидан ҳужжатлаштирилади. Шундан сўнг НКВД ҳуяляри яна ҳам фаоллашиб, унинг ақсил-фаолияти ҳақида чақувлар етказа бошлайди.

1938 йил 17 январь куни терговчи Березиков Мухаммад Расул Замонбоевни собиқ “Алаш ўрда” аъзоси, 1931–34 йиллар ақсилқилобий ташкилотга аъзо бўлган, деб ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддаларини қўллаб, қамоққа олиш тўғрисидаги қарорни имзолай-



“Алаш ўрда” партияси аъзолари.

ди. 1938 йил 18 январь куни битилган ордер асосида Тошкент шаҳри, Хорошин кўчаси 19-уйда тинтув ўтказилиб, ҳибсга олинади. Шу куни тўлдирилган шахсий анкетасида унинг оила аъзолари сифатида турмуш ўртоғи Зухра Айметова (30 ёш), фарзандлари Ойиша (13 ёш), Адолат (11 ёш), Эркин (9 ёш) ва Пўлот (2 ёш)ларнинг номлари қайд этилган.

1938 йил 28 февраль куни сўроқда Замон-

боев қўйлаётган айбловларнинг барчаси тўхмат, ҳеч қандай ақсилқилобий ташкилот мавжуд эмас, дейди. Бирок узоқ давом этган жисмоний қийноқлар ва руҳий таққирлашлар ортидан 1938 йил 17–19 март санаси билан ёзув машинкасида битилган бир неча варақдан иборат сўроқ баённомаларини имзолашга мажбур бўлади. Унда 1922 йил ўзи билан Тошкентга келиб ўқиган йигитларнинг барчаси қулоқ қилинган бой ва қозиларнинг болалари бўлгани, “Туркистон” савдо шirkати бошлиқлари Саидноснир Миржалилов, Мирзараҳим ва Абдуваҳҳоб Отабоевлар асосан “босмачилар”ни қийим-кечак, озука, отларини ем билан таъминлашга ҳаракат қилгани, советларга қарши ақсилқилобий ташкилотга Ўзбекистондан Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Қозоғистондан Қулумбетов, Қирғизистондан Урозбеков, Туркменистондан Айтakov, Тожикистондан Абдулла Раҳимбоев каби биринчи раҳбарлар аъзо бўлганини, ўзининг 1935–37 йилларда прокурор ёрдамчилиги вақтида амалга оширган ақсилқилобий фаолиятини “тан олади”. (Албатта, кейинги сўроқларда юқоридаги кўрсатмаларини рад этади.)

Мухаммад Расул Замонбоевнинг бўйнидаги сиртмоқ маҳкам тортилган, унинг қайси куни отилишини белгилашга қолган эди.

Бирок унинг бахтига шу вақтларда истибдод маркази бўлмиш Москвада вазиет ўзгариб қолади. НКВД комиссари Ежов ишдан олинади. Хали охирига етказилмаган қўпгина сиёсий айбловлар бўйича жиноий ишлар тўхтаиб қўйилади.

1939 йил 11 июлда вазиет ўзгарганини англаган Замонбоев ЎзССР ИИХК номига ариза ёзиб, ўзининг 1938 йил январдан ҳибсда бўлиб, 1939 йил 19 майда иш якунланганига қарамай, қисматининг ҳамон номаълумлигини, тергов қонуний ўтказилганидан норози эканини ёзади. Шундан сўнг унинг иши қайтадан ўрганишга топширилади.

1939 йил 23 августда ЎзССР ИИХК ўринбосари Бойко имзоси билан тайёрланган қарорда Замонбоев иши ўрганилгани, айбловлар исботини топмагани, берилган кўрсатмалар далилланмагани учун ЎзССР ЖКнинг 60-, 67-моддалари бекор қилиниб, жиноий иш тугатилади. Шу куннинг ўзида Расул Замонбоев Тошкент турмасидан озод қилинади.

Дарҳақиқат, 1922 йил Тошкентга келиб, “Кўмак”да илм олган туркистонлик ёшлар орасидан кейинчалик йирик олимлар, таниқли раҳбарлар етишиб чиқди. Жумладан, Карим Абдуллаев ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари, Сафо Саидмуродов, Беллар Жўнаевлар САУда дарс берди. Бирок бирортаси ўз олдиға қўйган эзгу мақсадларига эриша олмади. Яна ҳам аникроғи, қаттол

ХОТИРА АЗИЗ



КАТАҒОН

ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Заки Саттаров – 1904 йилда туғилган. Миллати татар. 1928 йил 25 апрелдан 1929 йил 1 июлигача Каттақўрғондаги Республика 1-изоляторидида ўқув тарбиявий бўлим мудир, Каттақўрғон район қишлоқ хўжалиги кредит шirkати раиси, 1930–1932 йилларда Мирбозорда Нарпай район колхозлар союзи раиси, 1932 йил декабридан Каттақўрғон райони бўйича шижоатлар қабул қилиш бюроси мудир, 1932 йил 8 декабрдан 1933 йил октябргача “Колхоз йўли” газетаси тахриратининг Андижон ва Асака шаҳарларидаги махсус мухбири, 1933 йил 1 октябрдан 1934 йил 1 октябргача Марҳамат районидаги “Сталинчилар овози” газетаси муҳаррири, МТС сиёсий бўлим бошлиғи, райиқроқўм раиси, 1934 йил 1 октябрдан 1937 йил 28 мартгача Самарқанддаги “Ленин йўли” газетаси масъул муҳаррири вазиасларидида хизмат қилган. Шахсий варақасида турк, рус, қозоқ, ўзбек, татар тилларини билиши қайд этилган. 1937 йил 27 майда партиявий хўшёрликни сусайтиргани, муҳаррирлигида газета саҳифаларида жадидлик ҳаракати ҳақида мақола ва хабарлар берганлиди айбланиб, унга қатъий ҳайфсан эълон қилинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 13 октябрдаги йиғилишида Заки Қўёмоғич Саттаров отувага ҳукм қилинган, ҳукм ўша куни ижро этилган.

Файзи Ходи Зариф – 1895 йилда туғилган. Отаси диний мактабда ўқитувчи ва масжидда имом бўлган. 7-8 ёшида отадан жудо бўлиб, она қарамоғида қолган. 1910 йилда янги усулдаги мактабда ўқиш учун Уфа шаҳрига борган. 1913 йили мактабда кўтарилган иш ташлашда қатнашгани учун мактабдан ҳайдалган. Мактабда иш ташлаганлари таъқиб қилаётганлари сабабли у фамилиясини Мулла Фозил қилиб ўзгартирган. 1914–1916 йилларда Скобелов шаҳрида таълим олган. Ўзбек ёшлари орасида маданий-маърифий тўғарақлар ташкил қилган. Миллий буржуазия инқилобига мувофиқ келувчи сиёсий ташкилот сифатида тўғарақларда иштирок этган. Тўғарақ “Озод” номли газета чиқарган. Муваққат ҳукуматни барча сайловларида сўл қанотда туриб иштирок этган. Кейинчалик бу тўғарақ сўл қанот сифатида миллий буржуазиянинг “Шўро ислоний” ташкилотига қўшилиб кетган. 1919 йилда Файзи Ходи Зариф “Озод Шарқ” газетасига муҳаррирлик қилган. У Бухоро халқ маорифи бўлими мудир, Туркистон Марказий Иқроия Комитети Президиуми аъзоси, РСФСР советларининг VIII съездига сайланган. Съездан қайтиб келгач Уш, Андижон ва Наманган уездларида босмачиликка қарши кураш бўйича Туркистон Марказий Иқроия Комитети ва ҳарбий революцион советнинг фавқулодда вакили сифатида фаолият кўрсатган. Бухоро ҳукуматида махсус бўлим бошлиғи, Бухоро Компартияси Марказий Комитети ташкилий бўлим тарғибот ва ташвиқот бўлим мудир вазиасида ишлаган. 1922 йили ноябрда СССР советларининг I съездига делегат бўлган, Москвада Бухоронинг маърифат уйини ташкил қилган, Москвада халқ маорифи комиссарлигининг вакили бўлган. Файзи Ходи Зариф 1930–1933 йилларда Самарқандда шаҳар партия комитети ижроия бюроси аъзоси бўлган. 1938 йил 4 октябрь СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр йиғилишида отувага ҳукм этилган.

Мухаммад Одилӣ – 1896 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. 1917 йил Февраль инқилобига рус-тузем мактабда ўқиган. Кейинчалик педагогика институтида тахсил олган. Тошкент шаҳридаги “Намуна” мактабда “Темур тўда” тўғарағида бўлган Мухаммад Одилӣ ёшларни янги усул мактабига жалб этиш ва эски усулдаги мактабларга қарши кураш олиб боришда иштирок этганликда, 1919 йил ўрталарида “Жарарик”даги 45-сонли мактабда “Темир тўда”, “Оғузхон қули”да дарс олиб борганликда айбланган. 1937 йил 1–21 сентябрь кунлари махбўс Мухаммад Одилӣ устидан қатта лейтенант Филимонов тергов олиб борган. Айблов ҳулосасида Мухаммад Одилӣ совет ҳокимиятини ағдариб, миллий буржуа давлатини ташкил этиш учун яширин фаолият олиб боришга жалб этганликда айбланган. Унга ЎзССР Жиноят кодексининг 58-, 64-, 63-моддалари билан айблов қўйилган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида отувага ҳукм қилинган.

Ҳикматулла Хисматов – 1898 йили Самарқандда туғилган. Миллати татар. Тошкент шаҳар Абдулла Тўқаев кўчаси 9-уйда яшаган. Инқилобига Самарқанд шаҳрида истиқомат қилган. Олий маълумотли, 1918 йилдан ВКП(б) аъзоси бўлган. 1919 йилдан 1921 йилгача, кейин 1931–1937 йилларда “Иттиҳод ва тараққий” ва “Иттиҳод ислом” каби ташкилотлар сафида бўлганликда айбланган. Ҳ.Хисматов Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиғига ариза билан муурожаат қилган. Махбўсининг ҳар икки муурожаати ҳам эътиборга олинмаган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,
Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим
(Давоми келгуси сонда).

ИЗҲОР



Бахтиёр ҲАСАНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги
Қатагон қурбонлари хотираси
давлат музейи директори

ЭЗГУ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАЖАК...

Азиз ватандошлар, фан, санъат, адабиёт ва миллий тарихимизнинг жонқуяр илхосмандлари!

Мана, яна бир янги йилни эзгу ниятлар билан қаршилаб турибмиз. Ортда қолган 2024 йил юртимиз тарихида зарҳал ҳарфлар билан ёзишга арзигулик воқеаларга бой бўлди.

Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2024 йил 19 июндаги “Сиёсий қатагон қур-

бони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги қарорнинг қабул қилиниши ҳамда ватан озодлиги ва хуррияти йўлида азиз жонларини фидо қилган мингдан зиёд шаҳид боларимиз пок номларининг оқланиши, шубҳасиз, юртимиз тарихидаги мисли қўрилмаган воқеалардан хи-

лол бўлган. Бу эзгу ишлар 2025 йилда ҳам жадаллик билан давом этажак. Мухтарам юртдошлар, азиз газетхонлар! Бошланган Янги йилнинг илк кунларидан туриб сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, хонадонингизда яхши кунлар бўлишини, 2025 йилда ҳам сизларга қувонч ва шодлик ҳамроҳлик қилишини чин дилдан тилаб қоламани!

Баҳром ИРЗАЕВ,
Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи бош илмий ходими



ҲАЖВ

ТОМОШОҒА БОРМОҚ ВА ТОМОШО БЎЛМАСЛИҚ ЗИКРИДА

Эй, фарзанд, бу кун арча байрам бахонаи сабаб сenga томошо ва унинг маданияти ва завқу зарофати ва шавқу шарофати ва тафту таровати ва хусну ҳаловати хусусинда бир шингил насихат бор. Магар ушбу пандларим бир қулогиндин кириб, иккинчисидин чиқар бўлса, фаҳму фаросатинг ҳам зеҳну заковатинг ҳам хулқу ҳамиятинг қасрига фалокат бор.

Энг аввало, томошо танлашни билгил. Билмасанг, аҳли донишлардин сўргил. Қулоқни батаг қилгучи, феълу хўйни сатанг қилгучи, ўткир ақлни занг қилгучи, тафаккур кўзини чанг ва ҳамённи танг қилгучи “жинлар баэми”дин йироқ тургил. Қайсики томошога борсанг, уюн аввалида ғойибдан бир садо келгай: “Азизу муҳтарам томошабин, томошо залинда спиртли ичимлик ичмак, нос ва тамаки чекмак, йўлакларни ифлос қилмак, кураш тушмак, мушталлаиб ёқавайрон бўлмак, эшакминди ўйнаш ва мусиқасиз рақс тушмак катъиян ман этиладир!” Сан бу тақикдин минбаъд ажаблануб, бу залга қандай ёввойилар жамулжам бўлган эркан деб ёқангни ахтармагил. Булар Алими, Исоқданми қолган гаплар.

Эй, фарзанд, теорга борар бўлсанг, Беҳбудий ҳазратнинг “Теор бу – ибратхонадур” дейилмиш нақли дастури амалинг бўлсун. Ёдинда тутгил, сан томошо залида актёр эмассан, ҳаммани ўзинга қаратишдин тийилгил. Одми кийин, қулай ва лойиқ либосда бўлгил. Боришдан бурун кўйлажак асар тўғрисида, муаллифи ҳақиқинда ва бошқа ижодкорлар хусусинда ўқуб, тафаккур этгил. Дабдурустдан борсанг, теор томидин “муборак” бошинга тараша тушмасун, дейман. Анграйиб қолмагил, дейман. Борар бўлсанг, гулшанда гулдек, боғда гунчадек гўзал ўтиргил.

Байт:
“*Magic city*”да юрмагил
оқ сақични ҳубоб айлаб,
Ҳам масҳара бўлмагилсан,
зўнтингени рубоб айлаб.



Эй, фарзанди аржумандим, қорин-қурсоғни уйда тўлдириб, нафсу хирсу ҳавасни кўча-кўйда ўлдириб боргил. “Тўйга борсанг, тўйиб бор, ёмонлигинг кўйиб бор, ямоқ тўнинг кийиб бор”, деган нақлу насихат бор. Оре рост сўз ушбуқим, теор ҳам бамисоли тўйхона. Меҳмонга борар бўлсанг, ўзингни бир қадар сипо тутарсан, ибратхонада эса минг чандон ҳалим бўлгил. Борган хонадонинг да ҳеч вақт сақич чайнармансан? Ани мезбон уйнинг курсиларига ёпиштириб кўярмисан? Ўриндиқларига беадаблик билрла “М + А = С” дея чизиб кетармисан? Мезбон гапирганда лўқма ташлармисан? Ўзингдин ҳар турлик чикинди қолдирармисан?

Эй, фарзанд, концертга борар бўлсанг, ўюнчининг хиромига эш бўлуб, новозандаю созандага эш бўлуб, хонандага пеш бўлуб (пеш — хофиз аҳлининг жаргон сўзи бўлиб, устазо-

да санъаткор маъносини билдиради, – изоҳ биздан) хуштагингни жур этмагил. Ҳарчанд янги олган эрсанг-да, тилпониинги санъаткорга пешламагил. Фанорчи ота эмассанки, кундузи чироқ ёқиб ўзингга фаросат истасанг. Яратганга беадад шуқурлар бўлсин-ким, аҳли сахнанинг ўз фанорлари бор. Кимсан Худойберган Девонова шогирди мушлак бўлсанг ҳам ўзгаларнинг маънавий мулкни тасвирга олмагил, тасмага солмагил. Зотан, муаллиф рухсатиға мюассарлар мундин мустасно.

Ўпераға тушсанг, тек ўтиргил, ёқ-маса чиқиб кетма, чиқиб кетар бўлсанг, яхшиси, бормагил. Магар чиптаси текин эрса, тошни-да ютигдай ўзингни урмагил ва ҳам безрайиб турмагил, фалон пулга харид қилган бўлсанг-да, шу сўз – ақшаси куйган бир кимарса бир нимарсани ютибдур, деган нақлу ҳикматга эргашмагил. Чўнг овозли хонандалар навозиш айлайдирғон, муҳташам ариялар (ари уяси эмас, бу изоҳ ҳам биздандур)

қўйладурғон, жанг ноғорасию бурғуси янграйдирғон, чигал-чигал, чуваланг-чуваланг карнай-сурнайлар наъра тортадирғон, чиптақдаин, чуғурчуқдаин, таъбир жоиз бўлса, чигирткадаин парийвашлар белозим ликиллайдурғон томошоларға (18+) мурағак фарзанди аржумандинги ҳаргиз олиб бормагил. Илоё, мундин анинг кўзу кўнгли, қулоғу зеҳни азият топмасун. Норасида кўрарманлар учун махсус ақлу хушиға хуш ёқадиган томошоғолар бор, шуларға оборғил.

Эй, фарзанд, киноға борсанг, ҳарчанд ҳамроҳангинг оёқ-қўли, биллагу кураги уюшиб турган бўлса-да, зинҳор-базинҳор қултуғ даргоҳда ўқалаб қўймагил. Ола назарлардин бўлмагил, ўзингни тийгил. Санинг беадаб бармоқларинг анинг нозуқ елкалари, тўлқин-тўлқин сочлари, ойдек нурафшон, мрамар каби силлиқ, ипақдаин майин, уқлар мисол тоза, қор янглиғ оппоқ, марварид сингари бежирим юзлари узра сиргалмасун ва ҳам со-

вуқда ёрилган лабларинг анинг илкда сайр этмоққа ҳаргиз журъат айламасун. Яна шуни ёдда тутгилким, кино пардаси тушганда, ҳаё ва ибос, нозу истиғно пардалари кўтарилмасун! Бори азму шижоатингни чимилдик пардаси ортиға яширгил.

Эй, фарзанди аржумандим, ҳар қайси томошо залиға кирарда “Гардерўб” аталмиш бир махсус хонақа ҳозиртурур. Анда ҳозиру нозир хизматчиға ҳар қанча қиммат бўлмасун, сирмаю почапўстининг, туғилмаган кўзи терсидан ишланган мўйдор телпагинг, Қорақўл барханларининг тузини ялаган чуваланг кучкор терисини ошлаб тикилган, пахта ёғи ила мойланган ағдарма этигингни беҳижолат ишониб топширингнинг мумкин. Чикқанингда камоли эҳтиром ва ҳам ширин-шакар лутф ила ашёларингни санга қайтаруб бергай.

Яна шуни ёдда тутгилки, томошо вақтида кўрувчиларға зиёну заҳмат етказиб, аларнинг оёғини босиб, олдини тўсиб, у бошдин-бу бошға ўт-моқ, томошоғонни бошға кўтармак ҳам дуруст иш эрмас. Бор илму амалини ишға солиб, барчани ҳайратға кўйган санъаткорни бошға кўтарсанг, бош устина... Томошонинг ярмисинда хонлардек керишиб кирмоқ, тўралардек тўрламоқ ва ёхуд ярмисинда қовун пўчоқ устидин хом сув берилган тиррақи бузоқдек муродхонани шитоб ила тарк айламоқ-да ножоиз амал ҳисобланур.

Эй, фарзанди аржумандим, айтганларим сenga малол келмасун, магар аларға амал қилсанг, икки дунё саодатға эришиб, мутриб ва музаффар бўлгайсен.

Тилак:
Муродим шулки, муродингга етгайсен!

*Сешанба,
Ҳижрий 1446 йил,
Жумодус-соний ойининг 29-куни,
Милодий 2024 йил 31 декабрь шомиди сархуш битдим.*

**Отақўзи Додахўжа ўғли
БОБОҚАНД**

ИЗҲОР

УЛКАН ЮТУҚЛАР ЙИЛИ БЎЛСИН!



Ўткир РОЗИҚОВ,
математика фанлари доктори,
академик,
TWAC аъзоси:

Азиз ватандошлар, ҳурматли газетхонлар! Сизларни Янги йил байрами билан чин қалбимдан табриқлайман! 2025 йил ҳар бир оила, ҳар бир юрtdошимиз учун қувонч ва бахтга тўла, орзулар ижобат бўладиган ва улкан ютуқлар йили бўлсин!

Бугунги кунда Ўзбекистонимизда амалга оширилаётган ислохотлар миллатимиз истибқolini юксак марраларға олиб чиқишға қаратилган. Бу ислохотлар ҳар бир соҳа ва ҳар бир фуқаро ҳаётида янгилик ва тараққиёт руҳи билан акс этмоқда. Келажакқа қадам ташлаётган ушбу йилда ҳам меҳнатимиз ва бирдамлигимиз билан юртимиз равақни янада мустақамлашда ҳаммага куч-ғайрат ва соғлик тиламан.

“Jadid” газетасининг муҳтарам ўқувчилари, янги йилда барча эзгу ниятларингиз рўёбга чиқсин! Оилаларимиз фаровон, Ватанимиз тинч ва обод бўлсин!

ТИЛБИЛИМ

Қишлоқда ёз маҳали кечки овқатни оиламиз билан ҳовлида, сўри устида тановул қилардик. Ҳовлимизнинг икки томонидан оқиб ўтадиган ариқ атрофида турли ўтлар ўсиб ётарди. Деярли ҳар кун ш утлар орасидан биз ўтирган сўри томон типратикан пилдираб келаётганини кўрардик. Қўрқмасди, худди ит-мушуклардек бирор нима берармикан, деган илинжда қараб тураверардик. Бизда – Бухоро томонларда типратиканни “кирпи” дейишарди. Нега шундай, деб сўрардик. Билмадим, бизнинг шевада шунақа бўлса керак, деб жавоб берарди катталар. Китобларда, радио ва телевидениеда эса бу жонотни типратикан деб аташарди.

...Университетнинг биринчи босқичида таҳсил олиб юрган пайтларимиз. Ада-



ҚИРПИ ВА КИПРИК

биёт тарихи фанидан “Девону луғотит турк”ни ўқиш вазиға қилиб берилди. Тошкентнинг Бешёғоч даҳасида жойлашган республика Халқ таълими марказининг яхшигина кутубхонаси бор. “Девону луғатит турк”ни излаб шу кутубхонаға бордим. Кутубхоначи аёл ярим соатча қидириб, учта катта китобни олиб чиқди. Ўқиш туғул, анчадан бери чанглардан тозаланмаган луғатни аста варақладим. Варақлаётиб, “кирпи” сўзини учратиб қолдим. Қарасам, “типратикан” деб изоҳ берилган экан. Демак, соф туркий сўзи биз ўз шевамизда ишлатар эканмиз, деб қувониб кетдим.

Луғатда “кирпи” сўзига “кўп тикан” деган изоҳ берилган. Демак, санчиладиган тикани бўлгани

учун ушбу жонот типратикан деб аталган экан. Ҳозир “киприк” дейдиган сўзимиз ҳам аслан шу сўз – “кирпи” билан ўзақдош.

Ҳазрат Навоий бир ўринда шундай дейди:
Ваҳки, ҳар кирпиғи бир ништар

эррур захролууд,

Гарчи бор ул ики наргисда

шакархооб тўла.

Вақт ўтиши натижасида сўзда метатеза ҳодисаси (товушларнинг ўрин алмашиши) юз берган: “кирпик” – “киприк”. Қозоқ қардошларимиз ҳозир ҳам “кирпик” дейишади. Демак, “киприк”ларимиз ҳам “тикан”га ўжшагани учун шундай аталган бўлиши ҳақиқатга яқин.

ХУСНУ МАҚСУД

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

БЕҲУДА БАҲС НЕ КЕРАК?

Ҳар сафар декабрь ойи охирайверса, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси бўлган юрtdошларимиз икки гуруҳға бўлиниб, кўҳна бир баҳсға кириша кетади: Янги йил байрамни нишонлаш жоизми ёки йўқ?

Тармоқда ўзидан “фатво берувчи” ясаб олган, лекин реал ҳаётда таҳорат олишни ҳам билмайдиган “интернет шайх”ларининг ҳукмнамо чиқишлари байрам мушакларидек потирлаб кетади.

Ҳақиқий илм аҳлидан бу борада сўралганда, улар бу байрамнинг динга алоқаси йўқлигини, бу дунёвий бир урф-одат эканини, байрам қилиш-қилмаслик ҳар кимнинг кўнгли кўчасига боғлиқлигини таъкидлашади.

Шахсан мен бу байрамни турли орзу-мақсадлар билан бошланган йилнинг сарҳисдо даври, келгуси режалар, ниятлар ибтидоси, деб тушунаман. Шунга монанд бошланажак янги календарь йилини хурсандлик билан кутчи олиши, қолаверса, эртақлар оламида яшовчи беғубор болаларимнинг шодлигини чандон ошириш учун уйни байрамона безатиш, турли



ширинликлар улашиб, уларни қувонтиришни афзал биламан.

Майли, ўша “интернет шайх”лари жуда истаётган бўлса, янги йилни байрам сифатида нишонламасин. Байрам қуллари тансиқ таом пиширмасин, чироқларини ёқмасин, болаларини байрамона безатилган кўчалар бўйлаб сайрга олиб чиқмасин. Лекин шуни унутмасинки, бу байрам улар талқин қилаётганидек

диний ақидаларға зид, ғайридинларнинггина байрами эмас. Бугун бутун дунё мусулмонлари янги йил арафасида бир-бирига эзгу тилақларни йўллаб, бошланажак йил барокатли келишини сўраб ният қилишади. Эзгу ният қилишининг эса бирор динда таққилланганини шахсан мен билмайман. Исо алайҳиссаломнинг туғилган кунини деган иддаоға жавобан, у зоти шариф ҳам Худонинг пайғамбарларидан бири, у кишининг мавлуд айёмларини нишонлаш ҳам унчалик мунарк бўлмаса керак.

Шунинг учун кўнглини кенг қилиб, бошланажак йилни яхши кайфиятда кутиб олайлик. Болаларға шеърлар айттириб, улар билан бирга бола бўлиб ўйнаб-кулайлик. Энг тансиқ таомлар билан қариндошу қўшнилари меймон қилайлик. Шу ўринда мен ҳам маст қилувчи ичимликлардан тийилиш тарафдорини эканимни айтиб қўяй. Асосийси, байрам бир-биримизни йўқлаш, оқибат кўрсатиш, силаи раҳм айёмига айлансин. Янги йил муборак бўлсин, азиз ҳамюртим!

**Бекмурод БҮРИБОЕВ
Фейсбук**

Jadid

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВATЛАШ
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:

Иқбол Мирзо

Масхул котиб:

Шухрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:

Муҳайё Пирнафасова

Саҳифаловчилар:

Эркин Ёдгоров

Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 7 477
Латин ёзувидаги адади – 12 569
Медиа кузатувчилар – 19 285

Буюртма: Г – 139

Ҳажми: 4 босма табақ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,

Шайхонтоҳур тумани,

Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмаҳонаси.

Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишға топшириш вақти: 21:00

Босишға топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.

